# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 21 февраль, № 37 (5967) Жума


# САНОАТ КОРХОНАЛАРИ САЛОҲИЯТИ

ички ва ташқи бозорга сифатли маҳсулотлар етказиб беришда яққол намоён бўлмоқда







*Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, саноат корхоналарининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли бугун улар нафақат барқарор ишлаяпти, балки янги марралар сари дадил одимлаяпти. Бу эса, ўз навбатида, уларда иш ҳажмининг ортиши ва маҳсулотларнинг сифат жиҳатдан рақобатбардошлик даражаси янада яхшиланишида катта аҳамият касб этаётир.*

ИСЛОҲОТ

Хусусан, сўнгги йилларда Марғилон шаҳрида саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Гап шундаки, 2013 — 2015 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган махсус дастурга биноан, бу ерда ўтган даврда 38 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг учун 4 миллион 689 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб этилди. Ушбу маблағнинг 2 миллион 669 минг доллари корхоналарнинг ўз маблағлари бўлса, қолган қисми банк кредитларидир.

Жумладан, ўтган йили пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Муҳаммад Салом Омина" хусусий корхонасига 143 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармоя киритилиши эвазига замонавий дастгоҳлар харид қилиниб, 10 та иш ўрни яратилди. Натижада жамоа томонидан қисқа фурсатда тайёрланган 32 минг АҚШ долларилик маҳсулот хорижлик буюртмачиларга юборилди. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати эса 20 минг жуфтга етказилди.

(Давоми 2-бетда).

# «Ўзбекистон Польшанинг минтақадаги асосий шеригидир»

*Яқинда Варшавада бўлиб ўтган давра суҳбати чоғида Польша экспертлари ҳамжамияти Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасининг асосий жиҳатлари билан танишдилар. Мамлакатимиз дипломатия миссияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Польшанинг ижтимоий-сиёсий арбоблари, олимлар ҳамда экспертлар қатнашди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

Давра суҳбати чоғида демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш асосида тараққиётнинг "ўзбек модели" миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг изчил юксалишига мустаҳкам замин яратгани хусусида атрофлича фикр юритилди. Дунё миқёсида ўз эътирофини топган ривожланишнинг ушбу модели жаҳон иқтисодиётида юз бераётган инқирозли ҳолатларга қарамай, мамлакат иқтисодиётини ўстиришнинг юқори суръатлари барқарорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни тўла таъминлаётгани, шунингдек, сўнгги етти йил давомида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоиздан ошаётгани таъкидланди.

Мулоқот чоғида мамлакатимизнинг Польшага Европа Иттифоқидаги ишончли савдо-иқтисодий шериклардан бири сифатида қараётганига алоҳида урғу берилди. Шу боис икки томонлама алоқаларни, хусусан, таълим, кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий ҳамкорлик соҳаларидаги ўзаро муносабатларни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда иқтисодиёт, сиёсат, таълим ва ҳуқуқ соҳаларида ислоҳотлар изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилинаётгани польшалик экспертлар томонидан эътироф этилди. Улар Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллайдиган Ўзбекистон катта иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини ҳамда мамлакатимиз Польшанинг минтақадаги асосий шериги ҳисобланишини таъкидладилар.

**«Жаҳон» АА.**
Варшава

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

*Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу, аввало, суд тизимининг қонунчилик асосларини такомиллаштиришда ўз аксини топди.*

2001 йили "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг янги

# Одил судловнинг муҳим омили

Жумладан, 2000 йил 14 декабрда "Судлар тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Яъни судлар ижро ҳокимияти тизимидан чиқарилиб, судьялик лавозимига номзодлар танлаш тамойили янгиланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси ташкил қилинди.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонун талаблари асосида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолияти йўлга қўйилди. Шу билан бирга, ушбу Қонунда Департамент томонидан ижро этиладиган ҳужжатлар рўйхати, ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар, суд ижрочиси мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбурияти, ижро иши юритишни қўзғатиш, тўхтатиш, тугатиш ва тамомлаш асоси, ундирувни қарздор мол-мулкига қаратиш тартиби, ундирув қаратилган мол-мулкни хатлаш, сақлаш, баҳолаш, реализация қилиш, чет эл суди ҳамда арбитражлари қарорларини ижро этиш ва ижро этмаганлик учун жавобгарлик масалалари ҳам қамраб олинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарори билан судья лавозимларига кадрларни тавсия этиш, суд амалиёти ҳамда суд статистикасининг тизимли таҳлилини амалга ошириш, судларни ташкил этиш, халқ маслаҳатчилари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда уларни ўқитиш ишларини ташкил этиш Департамент ваколатларидан чиқарилди. Унинг асосий вазифаси сифатида суд ва бошқа органлар қарорларининг ижро этилишини ташкил қилиш белгиланди. Бу 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда ўз ифодасини топди.

босқичини бошлаб берди. Унга кўра, жиноятлар таснифи ўзгартирилиб, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Натижада иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қўллаш имкони кенгайди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо ҳам чиқариб ташланди.

Судларнинг ихтисослашуви ҳам соҳа ислоҳотларида муҳим омил бўлганлигини айтиб ўтиш жоиз. Мисол учун, 2001 йил 1 январдан ўз фаолиятини бошлаган фуқаролик ишлари бўйича судлар фуқаролар ҳамда фуқаро ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, томонларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Бўстонлиқ туманида ноозиқ-овқат, саноат ҳамда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилган 12 та лойиҳа рўёбига киришилди.*

### Инвестиция асосида

Бу ҳудуд саноатига қарийб 70 миллион АҚШ долларилик сармоя киритиш ҳамда 600 дан зиёд иш ўринлари ташкил этиш имконини беради.

Искандар қишлоғида фаолият бошлаган "Arslan magic socks" масъулияти чекланган жамияти ҳам худди шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар самарасидир. Хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу корхона йилига 3,3 миллион дона тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Хусусан, ҳозир бу ерда ўрнатилган компьютер бошқарув тизимига эга замонавий дастгоҳлар ёрдамида кунига катталар ва болалар учун 4,5-5 минг жуфт пайпоқ тайёрланиб, тўлиқ экспорт қилинаяпти.

Лойиҳа шарофати билан қишлоқ ёшларидан 100 нафари ишга жойлашди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Наманганадаги "Nafis charm" масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган технологик янгиланишлар туфайли терига ишлов бериш жараёни компьютерлаштирилган дастгоҳлар зиммасига юклатилди.*

### Компьютерлаштирилган дастгоҳлар

Жумладан, хом ашёни яримтайёр ва тайёр маҳсулотга айлантириш чоғида талаб этиладиган терини ивитиш, кимёвий тозалаш, қуритиш, қотириш, силлиқлаш ва андозавий ўлчамга келтириш юмушлари ана шундай технология ёрдамида уддаланмоқда. Бунга эришиш учун хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда 2 миллиард 100 миллион сўмлик инвестиция киритилди. Натижада қувватлар ортиб, Уйчи туманидаги цех билан қўшиб ҳисоблангандa, йилига 30 миллион 200 квадрат дециметр маҳсулот тайёрлаш имконияти юзага келди. Эътиборли жиҳати, айни пайтда ишлаб чиқарилаётган 30 турдан ортиқ бўялган териларнинг 70 фоизи ташқи бозорга чиқарилмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Кармана тумани аҳолисига ичимлик суви етказиб беришда фойдаланилаётган насослар ҳадемай, қуёш батареялари қуввати билан ишлай бошлайди.*

### Атроф-муҳитга зарар етмайди

БМТ Тараққиёт дастури доирасида амалга оширилаётган мазкур лойиҳа жорий йил якунигача тугалланиши кўзда тутилган. Ҳозиргача ҳудудда замонавий насос станциялари ўрнатилиб, 800 метр сув қувурлари янгиланди.

— Ушбу лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан сув ҳавзаларидан обиҳаёт тортиб олишга сарфланадиган электр энергияси тежаб қолинади, — дейди Кармана тумани "Сувоқова" ишлаб чиқариш бўлими бош муҳандиси Ихтиёр Абдуллаев. — Қолаверса, бу туфайли атроф-муҳитга ҳам зарар етмайди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Боғотлик тадбиркор Улуғбек Ҳусаинов ўз бизнес-режасини ишлаб чиқишда қурилиш ташкилотларига транспорт хизмати кўрсатиш йўналишини танлади.*

### Тадбиркорнинг дастлабки муваффақияти

Негаки, бугунги кунда вилоятда 1120 дан ортиқ бунёдкор жамоалар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг маҳсулотларини буюртмачиларга етказиб бериш, зарур хом ашёларни ташиб келтиришга талаб юқори. Шу боис тадбиркор банкдан 1,3 миллиард сўм кредит олиб, "Al-Ulug trans" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди. Хориждан 40 тоннагача юк кўтарадиган 7 та машина харид қилиниб, уларни бошқариш учун 18 киши ишга қабул қилинди.

Натижада корхона қисқа фурсатда бу соҳада ўз ўрнига эга бўлди. Буни мазкур жамоа йўл қурилиши ташкилотларига 1 миллиард 800 миллион сўмлик юк ташиш хизматларини кўрсатганидан ҳам англаш мумкин. Бизнес лойиҳага мувофиқ, яқин истиқболда корхонага яна 10 та юк машинаси келтирилади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Ўтган йили мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши**

**53 фоизга етди.**

Бу 2013 — 2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастури доирасида амалга оширилаётган изчил ишларнинг юксак самараси бўлиб, пировардида тараққий топган кўпгина давлатлар даражасига тобора яқинлашиш имконини берди.

## Ж. Шашурин:

# «Франциядан ҳар йили 15 минг нафардан зиёд сайёҳ Ўзбекистонга бормоқда»

*2013 йили Ўзбекистон энг кўп франциялик сайёҳларни қабул қилган ўн мамлакат қаторидан жой олди. Яқинда Парижда бўлиб ўтган “Amslav Tourisme” сайёҳлик компаниясининг 2014 йилга мўлжалланган янги каталогининг тақдимоти чоғида шу ҳақда сўз борди.*

ЭЪТИРОФ

Франциядаги йирик сайёҳлик компанияларидан бири ҳисобланадиган “Amslav Tourisme”нинг вакили мазкур тақдимот чоғида 2013 йил якунлари билан тадбир иштирокчиларини таништирар экан, шу давр мобайнида компаниянинг айланма маблағи 6 миллион евродан зиёдни ташкил этганини айтиб ўтди.

У Ўзбекистоннинг ўтган йили энг кўп сонли франциялик сайёҳларни қабул қилган ўнта мамлакат қаторига қўшилгани хусусида алоҳида тўхталди. “Ўзбекистоннинг ана шу ўнликдан жой олгани сабаблари мамлакатнинг яхши табиий-иқлимий шароитларга ҳамда ўзбек халқининг бой тарихий-маданий меросга эга эканлиги билан изоҳланади”, деди у. Франция туризм компанияси мутасаддисининг таъкидлашича, Ўзбекистонда сайёҳликни янада ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси ва мамлакатимизда фаолият кўрсатадиган “Dolores Tour” сайёҳлик компанияси “Amslav Tourisme”нинг ҳамкорлари ҳисобланади.

2014 йилга мўлжалланган “Amslav Tourisme” янги каталогининг Ўзбекистонга бағишланган бўлимида юртимизнинг сайёҳлик маҳсулотлари ҳамда мамлакатимизга саёҳат уюштиришнинг ташкилий жиҳатлари билан боғлиқ батафсил маълумотлар ўз ифодасини топган. Жумладан, унда қадимги карвон йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон ҳудуди тарихан илм-фан ва маданият ўчоғи бўлгани алоҳида қайд этилади. Нашрда муштарийлар Буюк Ипак йўлининг ганжиналари — Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари шаҳарларни ўзлари учун кашф этишга чорланиши баробарида, мазкур қадимий кентлар Ер шарининг энг кўҳна шаҳарлари сирасига кириши алоҳида таъкидланади.

“Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида **“Amslav Tourisme” компаниясининг савдо-сотиқ масалалари бўйича менежери Жеральдин Шашурин** Ўзбекистон европалик сайёҳлар ўртасида тобора оммавийлашиб бораётганини айтди.

— Мамлакатингизда жойлашган ўрта асрнинг кўп сонли ва бетакрор ёдгорликлари, ўзбек халқининг очиқкўнгил ҳамда меҳмондўстлиги европаликларни ўзига мафтун қилмоқда, — деди у. — Ҳар йили Ўзбекистонга бораётган 15 мингдан зиёд франциялик сайёҳлар юртингиздан бой ва унутилмас таассуротлар билан қайтмоқда.

**«Жаҳон» АА.**

Париж

# Одил судловнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилнинг 21 январида матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Солиқ кодексларига, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”, “Судлар тўғрисида”ги қонунларга ҳамда “Суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида Низом”га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шу ўринда бу ўзгартиш ва қўшимчалар Президентимизнинг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва бошқа фармонлари ижроси доирасида киритилганини таъкидлаш ўринлидир. Маълумки, уларда суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш борасида зарур ҳуқуқий ва социал кафолатларни янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Хўш, янги Қонунга биноан тизим амалиётига қандай янгиликлар киритилди? Аввало, судьяликка минимал ёш 25 дан 30 ёшга ўзгартирилди. Айни чоғда олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга Ўзбекистон Республикаси фуқароси судья бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган захирадаги номзодлар белгиланган тартибда ўқиши ва стажировка ўташи, ўқув ва стажировка ўташ даврида асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақлангани ҳолда, ўз меҳнат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши ҳам муҳим янгилик бўлди. Зеро, инсон тақдирини ҳал қиладиган, Ўзбекистон Республикаси номидан суд қарорлари чиқарадиган судья тегишли тажриба ва малакага эга ҳамда ўз касбининг устаси ва чинакам билимдони бўлиши айни муддаодир.

Албатта, 30 ёш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида 5 йил ишлаш талаби олий юридик маълумотга эга бўлган фуқарода зарур тажриба ва малака, мустақил дунёқараш, ҳаётни англаш каби жиҳатлар етарлича шаклланиши учун муҳим омилдир. Бу даврда судьяликка талабгор суд-ҳуқуқ тизимидаги давлат сиёсатининг туб моҳиятини теран англаб етади ҳамда ислоҳотлар мазмун-моҳиятини чуқур ўрганади ва тизимдаги мавжуд шароит билан яқиндан танишиш имконига ҳам эга бўлади.

Қонундаги судьялар ижтимоий ҳимоясига оид нормалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унга кўра, судьялар ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган даромадлари бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилди. Лавозимга тайинланганлиги (сайланганлиги) туфайли ишдан озод қилинган судьяларга уларнинг ваколатлари тугаганидан кейин судьялик лавозимига сайланишига ёки тайинланишига қадар эгаллаб турган аввалги лавозими берилади. Агар бундай лавозим мавжуд бўлмаса, аввалгисига тенг бошқа иш берилиши белгиланди. Ваколат муддати тугаган судьяларнинг ўртача ойлик иш ҳақи уларни янги ваколат муддатига қайта тайинлаш (қайта сайлаш) учун ҳужжатлари кўриб чиқиладиган даврда ёхуд янги иш жойига ишга жойлаштирилгунгача, лекин кўпи билан уч ойгача сақлаб қолинади.

Мазкур қўшимчаларнинг аҳамияти шундаки, у суд ҳокимиятининг жамиятдаги нуфузини ва судьялар обрў-эътиборини янада кўтаришга, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга, судьяларнинг моддий-маиший шароитларини сезиларли даражада юксалтиришга хизмат қилади. Бу эса пировардида ҳуқуқий давлатнинг асосий шартларидан бири бўлган қонунчилик ва одил судловни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтганда, судьяларнинг ҳар жиҳатдан ижтимоий ҳимояланиши ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларида одил судловни амалга ошириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда мустаҳкам таянч ва ишончли кафолат бўлиши шубҳасиз.

**Қўчқор ТОҒАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари.**

# Ахборот асри ва илғор технологиялар

*Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ижтимоий ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб улгурди. Шу боис интернет хизмати, электрон таълим тизими, электрон рақамли имзо, рақамли телевидение каби иборалар бугунги кунда ҳеч кимга янгилик эмас.*

ЖАРАЁН

Давлатимиз томонидан қабул қилинган мустаҳкам қонунчилик базаси инновацион лойиҳалар ва илмий ишланмаларни рағбатлантириш ҳамда ахборот технологиялари соҳасининг шиддат билан ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, алоқа инфратузилмасини модернизация қилиш, бу борада кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар берилиши ва қўллаб-қувватланиши, аҳолига интерактив давлат хизматларини кўрсатиш борасидаги ислоҳотлар фикримиз далилидир. Яратилган имкониятлар, қулай инвестиция шароити натижасида вилоятимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бир қатор ижобий ишлар қилинди. Хусусан, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги мавжуд телефон станциялари тўлиқ рақамлаштирилди. Магистраль алоқа линиялари туман марказлари даражасигача оптик толали кабеллар асосида реконструкция қилинди. Қолаверса, вилоят бўйича 27 та умумтаълим мактабини “Электрон таълим” миллий тармоғига улаш учун 19,9 км. оптик кабель ётқизилиб, лойиҳа асосида уланиш қурилмалари тўлиқ ўрнатилди. Айни пайтда вилоятдаги жами 10 та касб-ҳунар коллежига умумий узунлиги 14,8 км. оптик толали кабеллар ётқизиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Навоий ва Зарафшон шаҳарларидаги компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежларига оптик толали кабеллар тўлиқ ётқизилиб, “Электрон таълим” миллий тармоғига уланди. Вилоятнинг Нурота, Хатирчи, Конимех, Навбаҳор, Қизилтепа, Кармана туманлари ҳамда Навоий шаҳри аҳолиси учун 12 та теледастурли рақамли телевидениенинг ишга туширилиши ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг илғор ютуқлари натижасидир.

Эътироф этиш жоизки, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва Сингапур давлатининг “Servetechno PTE.LTD” компанияси билан ҳамкорликда “Рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи (Set-top-box) ускуналар, ZTE компанияси билан ҳамкорликда ADSL модем ва DSLAM ускуналари ишлаб чиқарилмоқда.

Вилоятимиздаги барча шаҳар ва туман ҳокимликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўртасида ягона корпоратив тармоқ ва унда электрон ҳужжат айланиши тизимлари тўлиқ жорий этилди. “Электрон ҳукумат” дастури доирасида бугунги кунда коммунал соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишда, бу борада аниқ ҳисоб-китоб тизимини йўлга қўйишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда “Е-Коммунал” ахборот тизими фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Бугунги глобаллашув даврида ёшларимизнинг ахборотга бўлган талаб ва эҳтиёжлари кун сайин ўсиб бормоқда. Шу боис ёшларимизнинг холис, долзарб ва ҳаққоний ахборотга бўлган эҳтиёжини ҳар томонлама қондиришга қаратилган миллий сайтларни кўпайтириш мақсадида “Йилнинг энг яхши сайти” танлови ташкил қилинди. Ушбу танловда кўплаб интеллектуал салоҳиятли ёшлар ўз имкониятларини намойиш этди. Ишончимиз комилки, илғор фан-техника ютуқларининг амалиётга татбиқ қилинаётгани соҳада янгидан-янги ютуқларга етаклаши муқаррар.

**Шерзод НОРТОЖИЕВ,**
**Навоий вилояти компьютерлаштириш маркази директори.**

## Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизда бўлиб ўтган “Энг фаол ёш тарғиботчи” кўрик-танловида мактаб, коллеж ва лицейларнинг тарғиботчи ўқувчилари иштирок этишди. Унда республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Гулшаной Ҳайдарова ҳамда Тошкент ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги академик лицей ўқувчиси Баҳриддин Гобов ғолиб деб топилди.

● **Фарғонада “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси якунланди. Тадбир давомида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳисоботи муҳокама этилди ҳамда вилоят кенгаши раиси ва унинг ўринбосарлари сайланди.**

● Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

● **Тошкентда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимидаги хўжаликлар раҳбарлари, давлат назоратчилари ва мутахассислар учун бир ҳафталик ўқув-семинари бошланди. Унда ўрмон хўжалиги бошқаруви назарияси ва амалиёти, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ўрмонларни ёнғиндан асраш, ёш мутахассислар тайёрлаш каби масалалар бўйича мутахассислар маърузалари тингланади.**

● Наманган вилоятида “Электрон ҳукумат: афзалликлари ва самаралари” мавзуидаги матбуот анжуманида Электрон ҳукумат бошқаруви тизимини вилоятда жорий этиш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар хусусида батафсил ахборот берилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# САНОАТ КОРХОНАЛАРИ САЛОҲИЯТИ

## ички ва ташқи бозорга сифатли маҳсулотлар етказиб беришда яққол намоён бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундай ижобий ўзгаришлар “Турон водий текс” масъулияти чекланган жамияти, “Наримтекс”, “Моҳи Акбар Барака” сингари корхоналар фаолиятида ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Айтайлик, “Турон водий текс” корхонасига молия муассасаси томонидан берилган 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобидан хорижнинг замонавий дастгоҳлари ўрнатилгани нафақат иш ҳажмини ошириш, балки маҳсулот сифатини яхшилаш имконини ҳам берди. Айни пайтда корхонада тўқилаётган сочиқларнинг 60 фоизи экспортга жўнатилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Яна бир мисол. Яқин-яқингача шаҳарга хўжалик ишлари учун мўлжалланган салафан пакетлар бошқа ҳудудлардан олиб келинар эди. “Моҳи Акбар Барака” корхонасининг ишга туширилиши эса бу муаммони ҳал этишда қўл келди.

Қисқача айтганда, бугунги кунда шаҳар саноатидаги бу каби янгиланишлар корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ўтган йили мазкур ҳудуддаги саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган 5,6 миллион АҚШ долларилик маҳсулот хорижлик харидорларга сотилиб, бу борадаги кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 51,4 фоиз ўсгани бунинг яққол тасдиғидир.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



# Битирувчи ишга жойлашди

*Бухоро туманида истиқомат қилувчи коллеж битирувчисиСитора Субҳpraнованинг “Гўзаллик салони”да ишлаш нияти Галаосиё шаҳар маиший хизмат уйининг фаолият бошлаши туфайли рўёбга чиқди.*

БАНДЛИК

Таъмирталаб ҳолга келиб қолган ушбу маскан тадбиркорлар ташаббуси билан реконструкция қилинди. Улар ўз сармоялари ҳамда банк томонидан ажратилган маблағ эвазига бинони замонавий қиёфага келтирдилар. Натижада бу ердаги “Гўзаллик салони”, тикувчилик ҳамда турли пишириқлар тайёрлаш цехларида йигирмага яқин коллеж битирувчилари “Устоз — шогирд” анъанаси асосида ишга олинди. Эътиборлиси, биргина ўтган йилда туманда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида 17 та ана шундай бизнес лойиҳа амалга оширилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Юртимизда айни вақтда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнини, яъни кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуришдек эзгу мақсадимизни аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи ёшлар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зотан, давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ҳамда профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шарти ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин.*

# ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Дарҳақиқат, ёшлар масаласи мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши саналади. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Бинобарин, мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий асослари яратилди, уларнинг салоҳияти, истеъдодини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам механизми шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, соҳага оид 20 дан ортиқ қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини бажармоқда. Айниқса, 1991 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг қонуний асосларини яратиб берди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда қабул қилинган Оила кодекси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунлар ҳам бевосита ёшлар тарбиясида, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, иш билан бандлигини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда ёшлар билан ишлашда нафақат давлат муассасалари, балки фуқаролик жамияти институтларининг ҳам фаол иштирок этаётганини қайд этиш жоиз. Бу механизмлар, ўз навбатида, мустақиллик йилларида “Соғлом авлод йили”, “Она ва бола йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили” давлат дастурларини самарали амалга оширишнинг омили бўлди. Ушбу дастурлар доирасида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, йигит-қизларимизни ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар йўналтирилди. 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши ҳам мазкур ислоҳотлар изчиллигидан далолатдир.

Ҳар йили парламентимиз томонидан тасдиқланадиган иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари эса, энг аввало, ёшларни, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Ўтган йили бундай ёшларнинг 500 минг нафари иш билан банд қилингани ана шу қатъий ва тўғри сиёсатнинг натижаси, десак, муболаға бўлмайди.

Бундай кенг кўламдаги ислоҳотлар ёшларнинг таълим-тарбияси соҳасида янада изчил давом эттирилмоқда. Замонавий таълим стандартлари ҳамда дастурларини такомиллаштириш, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Ўтган йили 28 та янги касб-ҳунар коллежи қурилиб, 381 умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 та объект, 131 касб-ҳунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилингани ва капитал таъмирлангани, шунингдек, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 та болалар спорти объекти ҳамда 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминлангани бунга яққол мисолдир.

Президентимизнинг янги қарори, шу нуқтаи назардан, бу соҳада кечаётган босқичма-босқич, тадрижий ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб бермоқда.

Қарорга биноан, Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури маъқулланди. Дастурда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар йигит-қизларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Шу билан бирга, мазкур ҳужжатда ёшларни жисмоний тарбия ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш каби энг долзарб йўналишларда чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Бундан ташқари, дастур ижросида давлат ва фуқаролик жамият институтлари, давлат ҳокимиятининг барча институтлари, марказий ва маҳаллий даражадаги идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига катта масъулият юкланган.

Умуман, дастурда кўзда тутилган чора-тадбирлар кўлами анча кенг бўлиб, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-маърифий, суд-ҳуқуқ йўналишларидаги тадбирларни кўзда тутади. Хусусан, ёшларга оид давлат сиёсатининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, маҳаллалардаги вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш, ёш тадбиркорлар учун “Бизнес-инкубатор”лар фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда таълим кредитларини бериш тизимини янада кенгайтириш, ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини таҳлил қилиш, эрта никоҳнинг олдини олиш бўйича муҳим чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Мухтасар айтганда, амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар, Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиши, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлиб шаклланиши ҳамда Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятли бўлиб камол топишларига хизмат қилиши билан аҳамиятли ва диққатга сазовордир.

**Миравзал МИРАКУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди.**

XALQ BANKI

*Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ўтган йили республикамиздаги тижорат банклари жами капитали 25 фоиз ошиб, бу кўрсаткич 2000 йилдагига нисбатан 46 баробардан зиёд кўпайгани таъкидлаб ўтилди.*

# Сифатли ва кафолатли хизмат

Албатта, бундай юқори ўсиш суръатлари мамлакатимиз молия-банк тизимида юксак самарадорлик кузатилиб, аҳоли даромадлари тобора ошиб бораётганидан далолат беради. Зеро, молия муассасалари томонидан замонавий ва кафолатли хизматлар жорий этилиши билан мижозларнинг уларга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Давлат-тижорат Халқ банки ҳам ана шундай намунали молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, унинг Сирдарё вилояти филиали тасарруфида 9 та туман ва шаҳар филиали, 4 та минибанк, 19 та махсус касса ҳамда бошқа кўплаб шохобчалар фаолият юритаяпти. Бу ерда “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили асосида иш олиб борилаётгани молия муассасаси хизматидан фойдаланувчилар сафининг кенгайишида муҳим омил бўлаётир. Айни пайтда унинг мижозлари сони қарийб 7 мингтага етгани бунинг тасдиғидир.

Маълумки, ҳар қандай соҳа ривожини инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, ишлаб чиқариш тармоқларида сармоя ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, Халқ банкининг Сирдарё вилояти филиали жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йили мазкур соҳага жами 33 миллиард 239,6 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилиши натижасида 296 та иш ўрни яратилди.

— 2013 йилнинг апрель ойида Халқ банкидан икки юз эллик миллион сўм миқдорида кредит олиб, қандолат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйгандик, — дейди Сирдарё туманидаги “Севинч Кўҳинур файз” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Исмат Исмоилов. — Сармоя ишимизга барака келтирди. Қолаверса, маҳалламиз ёшларидан 12 нафарининг бандлигини таъминладик. Илғор технологияларни жорий қилганимиз боис маҳсулотларимиз тезда харидорлар эътиборига тушиб улгурди.

Шу тумандаги “Саидакбархон Камоли” масъулияти чекланган жамиятида эса 242 миллион сўмлик кредит эвазига иссиқхона барпо этилди. Натижада аҳолини қишда ҳам сархил помидор ва бодринг билан таъминлаш йўлга қўйилди.

— Халқ банкининг молиявий кўмаги билан паррандачилик фермасини ташкил этдик, — дейди Сардоба туманидаги “З. М. Бобур” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳасан Ҳожиматов. — Яъни банк томонидан ажратилган 400 миллион сўмлик сармоя ҳисобига ушбу йирик лойиҳамизни рўёбга чиқариш имконига эга бўлдик. Натижада 50 кишини иш билан таъминладик.

Умуман, 2013 йилда Президентимизнинг “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ижроси доирасида банкнинг вилоят филиали томонидан ажратилган кредитлар салмоғи сезиларли даражада ортди. Шунингдек, молия муассасасининг вилоят, туман ва шаҳар филиаллари ёш оилаларни қўллаб-қувватлашда ҳам мижозларининг энг яқин молиявий кўмакчиларидан бирига айланган. Ўтган бир йил давомида ушбу мақсадлар учун 858,9 миллион сўмлик истеъмол ва 1 миллиард 247 миллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилгани бунга мисол бўла олади. Бундай ижтимоий қўллаб-қувватлаш банкнинг тадбиркор аёлларга кўрсатаётган кўмагида ҳам намоён бўлмоқда. Хусусан, бир йил давомида 23 нафар аёл унинг имтиёзли хизматидан фойдаланиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб олди.

Дарвоқе, Халқ банки муассасаларидан мижозлар қадами узилмаслигининг яна бир сабаби шундаки, бу ерда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия маблағлари ҳам шаклланади. Хусусан, вилоят, туман ва шаҳар филиалларида мазкур масалага алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда. Белгиланган тартибга кўра, пенсия жамғармалари мажбурий равишда амалга оширилиши баробарида, банкка фуқароларнинг ўз хоҳиши билан маблағ қўяётганликлари, айниқса, эътирофга лойиқ. Бу борада банк томонидан жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда бадал киритган иштирокчилар ўртасида ютуқлар тиражи ўтказиб борилаётгани эса мижозлар қизиқишини янада оширишга хизмат қилаяпти.

— Пенсия жамғармамга ўз ихтиёрим билан 75 минг сўм қўйган эдим, — дейди улардан бири Муҳаммади Ҳаққулов. — Ана шу маблағ тез орада менга бир неча баробар бўлиб қайтди. Нега десангиз, омадим чопиб, тиражда энг яхши дам олиш масканларидан бирининг йўлланмасини ютиб олдим. Ҳузур қилиб дам олиб, саломатлигимни мустаҳкамладим.

Айни пайтда филиал жамоаси томонидан жорий йилда белгиланган устувор вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Мижозларга намунали банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш, ишлаб чиқилган дастурларни ҳаётга изчил татбиқ этиш орқали юрт равнақи ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш уларнинг пировард мақсадидир.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ.**

---

*Ҳурматли юртдошлар!*

## «АСАКА» банки (ОАЖ)

**2014 йил — «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.**

### «СОҒЛОМ АВЛОД»

**Ушбу омонатнинг сақланиш муддати — 24 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.**

**Шу билан бирга, «Асака» банкида 80 дан ортиқ омонат турлари жорий этилган бўлиб, бу ҳақдаги маълумотларни банк филиалларидан ёки банкнинг**

**www.asakabank.com**

**расмий веб-сайтидан олиш мумкин.**

**«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.**

*Хизматлар лицензияланган.*

**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (8-371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (8-371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (8-371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (8-371) | 221-80-67 |
| 5. | Сергели филиали | (8-371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (8-371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (8-374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (8-374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (8-374) | 226-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (8-373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (8-373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (8-373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (8-373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (8-369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (8-436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (8-436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (8-365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (8-365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (8-366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (8-366) | 221-77-56 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (8-375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (8-376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (8-361) | 770-60-59 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (8-362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (8-367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (8-372) | 226-43-11 |

**БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

279R/32

---

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади:**

- Республика тил ўқитиш маркази директори ўринбосари;
- инглиз тили 3-факультети декани;
- хитой тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудири;
- инглиз тили назарий фанлари кафедраси мудири;
- мониторинг ва ички назорат бўлими бошлиғи.

**Танловда иштирок этишни хоҳловчилар университет ректори номига ёзиладиган аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда топширишлари мумкин:**

— ходимлар ҳисоби бўйича шахсий варақа;

— олий маълумоти ва тегишли илмий даражаси борлиги ҳақида дипломларнинг тасдиқланган нусхалари;

— илмий унвони борлиги ҳақида аттестатнинг тасдиқланган нусхалари;

— илмий ва ўқув-методик ишлар рўйхати;

— тил ва компьютер бўйича сертификатлар.

Хитой тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудири лавозимига танловда иштирок этувчилар хитой тилини мукаммал билиши шарт.

Инглиз тили 3-факультети декани ҳамда инглиз тили назарий фанлари кафедраси мудири лавозимига танловда иштирок этувчилар инглиз тилини мукаммал билиши талаб қилинади.

**Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ҳафта ичида қабул қилинади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9 «А» мавзеси, 21-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 275-77-95.**

286А/146

---

## «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

савдолар залида 2014 йил 10 ва 28 март кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2013 йил 15 майдаги 141313/2829-сонли ва шу суднинг 2013 йил 23 майдаги 14-1316-4337-сонли ижро варақаларига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилмоқда:

- Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 116-уйда жойлашган савдо дўкони.
  ***Бошланғич баҳоси — 308 635 920 сўм.***
- Самарқанд шаҳри, Р. Узоқова кўчаси, 8-уйда жойлашган савдо дўкони ва омборхона бинолари.
  ***Бошланғич баҳоси — 302 814 450 сўм.***

Мазкур кўчмас мулкларнинг баҳоси 10 (ўн) фоиз арзонлаштирилган ҳолда очиқ аукцион савдосига чиқарилган. Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Sagdiana real servis» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд шаҳар «Амир Темур» бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 196-уй.**
**Телефонлар: (8-366) 239-73-12, 239-65-88.**

*Лицензия № RR-0038.*

290R/477

---

**4 кун • 200 та компания • 22 та мамлакат**

ufi Approved Event

UzBuild **ҚУРИЛИШ** 15 - Юбилей Ўзбекистон Халқаро **кўргазмаси**

aqua THERM TASHKENT **ИСИТИШ ВА ҲАВО АЛМАШТИРИШ** 3 - Халқаро **кўргазмаси**

mebel expo UZBEKISTAN **МЕБЕЛЬ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ** 11 - Халқаро **кўргазмаси**




ТАШКИЛОТЧИ ITE

**ITE Uzbekistan**
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-«А».
Тел.: (+99871) 113-01-80. Факс: (+99871) 237-22-72.
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz Web: www.ite-uzbekistan.uz

ufi Member

164R/85

---

## «Universal auktsion invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

2014 йил 10 март куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Олий судининг 2012 йил 27 ноябрдаги 328-О/Х-12, 329-О/Х-12, 330-О/Х-12, 332-О/Х-12-сонли ижро варақаларига асосан, Хўжайли тумани СИБ томонидан хатланган, Хўжайли тумани, «Сарышунгул» ОФЙда вақтинча сакланаётган:

- 2007 йилда ишлаб чиқарилган «Беларусь 80Х» русумли трактор, давлат рақами НЕ 56-65.
  ***Бошланғич баҳоси — 15 470 849 сўм.***
- 2010 йилда ишлаб чиқарилган «Беларусь 82.1» русумли трактор, давлат рақами НЕ 56-80.
  ***Бошланғич баҳоси — 18 564 806 сўм.***
- 2011 йилда ишлаб чиқарилган «XCMG» русумли юклагич-трактор, давлат рақами НЕ 56-81.
  ***Бошланғич баҳоси — 68 874 753 сўм.***
- 1995 йилда ишлаб чиқарилган «МАЗ-54329» русумли автомашина, давлат рақами 95 199 НАА.
  ***Бошланғич баҳоси — 17 014 167 сўм.***

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ЖИБ судининг 2012 йил 12 июндаги 618, 623, 626, 627, 628, 629, 636-сонли ижро варақаларига асосан, Кегейли тумани СИБ томонидан хатланган, Кегейли тумани, «Халкабад мамыгы» АЖда вақтинча сақланаётган:

- «СЗУ-3.6» русумли дон сеялкаси.
  ***Бошланғич баҳоси — 1 535 334 сўм.***
- «ВТ-150» русумли трактор.
  ***Бошланғич баҳоси — 13 949 051 сўм.***
- Пахта сеялкаси.
  ***Бошланғич баҳоси — 864 284 сўм.***
- «ОКМ» русумли культиватор.
  ***Бошланғич баҳоси — 1 406 194 сўм.***
- «ДЭЛ» русумли ғалла ўриш ускунаси.
  ***Бошланғич баҳоси — 1 535 334 сўм.***
- «РМИ» русумли ускуна.
  ***Бошланғич баҳоси — 638 049 сўм.***
- «ОБХ» русумли ускуна.
  ***Бошланғич баҳоси — 2 349 396 сўм.***

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ва Нукус шаҳар ЖИБ судининг 2011 йил 28 ноябрдаги 210-сонли, 2012 йил 11 июндаги 2142-сонли, 2013 йил 7 мартдаги, 2013 йил 30 апрелдаги 226-сонли ижро варақаларига асосан, Тахтакўпир тумани ва Нукус шаҳар СИБ томонидан хатланган, Тахтакўпир тумани «Жанадарья» ширкат хўжалигида вақтинча сақланаётган 10 дона совлиқ қўй.

***Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 196 830 сўмдан.***

- Тахтакўпир тумани, «Белтау» ОФЙда вақтинча сакланаётган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган «Т-4А» русумли трактор, завод рақами 342838.
  ***Бошланғич баҳоси — 10 250 907 сўм.***
- Тахтакўпир тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган «М-412ИЭ» русумли автомашина, давлат рақами 23 G 0016.
  ***Бошланғич баҳоси — 1 190 429 сўм.***
- Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙҲХБда вақтинча сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган «ГБА СПГ ВАЗ-21061» русумли автомашина, давлат рақами 95 V 968 АА.
  ***Бошланғич баҳоси — 4 363 065 сўм.***
- Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли ва Кўнғирот туманлари ЖИБ судларининг 2013 йил 17 сентябрдаги ва 2013 йил 26 сентябрдаги 186-сонли ижро варақаларига асосан, Элликқалъа тумани ва Нукус шаҳар СИБ томонидан хатланган, Элликқалъа тумани «АТП-20» МЧЖда вақтинча сақланаётган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Mitsubishi galant» русумли автомашина, давлат рақами 95 J 103 ВА.
  ***Бошланғич баҳоси — 14 580 000 сўм.***
- Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙҲХБда вақтинча сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган «Mercedes benz D.3 C200» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами GCC604.
  ***Бошланғич баҳоси — 21 375 000 сўм.***

Мазкур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2014 йил 25 март куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

2014 йил 25 март куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани ЖИБ судининг 2014 йил 30 январдаги 1-сонли ва Чимбой туманлараро ФИБ судининг 2013 йил 12 декабрдаги ижро варақаларига асосан, Беруний ва Тахтакўпир туманлари СИБ томонидан хатланган қуйидаги транспорт воситалари қўйилмоқда:

- Беруний тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Nexia 150-D GLE Б/К» русумли автомашина, давлат рақами 95 L 910 АА.
  ***Бошланғич баҳоси — 25 200 000 сўм.***
- Тахтакўпир тумани, «Даукара» ОФЙда вақтинча сақланаётган, 1977 йилда ишлаб чиқарилган «КамАЗ-55102» русумли автомашина, давлат рақами 23 I 45-81.
  ***Бошланғич баҳоси — 30 625 000 сўм.***

Мазкур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2014 йил 9 апрель куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш: 10 март кунидаги савдога — 5 март, 25 март кунидаги савдога — 21 март ва 9 апрель кунидаги савдога — 7 апрель куни соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги МФО: 00585, СТИР: 302083379, 20208000504932168029 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Нукус шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 122-уй, 2-қават, 17-хона. Мурожаат учун телефон: (8-361) 222-11-73.**

**Гувоҳнома № 004059.**

296R/870

# Газета ва газетхон: ЮЗМА-ЮЗ

*— Яқиндан бошлаб “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси тизимида қўл юкларини олиб кетиш билан боғлиқ янги қоида жорий этилди, деб эшитдим. Шу гап ростми?*

**З. ОХУНОВ.**
Паркент тумани



## Янги қоида жорий этилди

— **Д**арҳақиқат, 2014 йилнинг 1 февралидан бошлаб, мамлакатимиз аэропортларидан учадиган йўловчиларга ҳаво кемаси салонида қўл юки таркибида барча турдаги суюқликлар, аэрозоллар ва гелларни олиб кетиш тақиқланди.

Истисно тариқасида болалар овқати ва йўловчиларга мунтазам равишда парвоз вақтида талаб этиладиган дори воситаларига рухсат берилади. Болалар овқати ва дори воситалари шаффоф, зич ёпиладиган, ҳажми 1 литрдан кўп бўлмаган пластик пакетларга жойлаштирилган бўлиши керак. Ҳар бир йўловчи ўзи билан фақат битта пластик пакет олиб кетиши мумкин. Пластик пакет авиация хавфсизлиги назорати пунктида махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда, кўздан кечириш учун тақдим этилиши керак.

Суюқликлар, аэрозоллар ва гелларни фақатгина йўловчининг рўйхатдан ўтказиладиган багажи таркибида олиб кетишга рухсат берилади.

**Ж. УМАРХОДЖАЕВ,
«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК Авиация хавфсизлиги бўлими бошлиғи.**

## «Муддатидан аввал ишга қайтмоқчиман»



*— Фарзандим 1,5 ёшга тўлди. Оилавий шароитим туфайли таътил муддати тугамасдан аввалроқ ўз иш жойимга қайтсам дегандим. Фақат сўрамоқчи бўлганим шуки, меҳнатимга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтимни қисқартириш мумкинми?*

**Ф. ҲАСАНОВА.**
Хива тумани

— **М**еҳнат кодексининг 228[1]-моддасига мувофиқ, уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати чоғида мазкур тоифадаги аёллар меҳнатига ҳақ ҳар кунги тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланади.

**Б. АҲМАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши етакчи юрисконсульти.**

## Яна имтиёз ҳақида...

**— 28 йилдан буён юқумли касалликлар шифохонасида ишлайман. Ёшим 50 да. Айтингчи, мен имтиёзли асосда пенсияга чиқишим мумкинми?**

**К. НУРИДДИНОВА.**
Китоб тумани

— **Ў**збекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига асосан, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Қонуннинг 12-моддаси “л” бандига мувофиқ, ихтисослаштирилган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари — махсус иш стажи қишлоқ жойда камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VIII қисм) охирги иш жойидан қатъи назар, ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган 3-сонли рўйхат, VIII қисми “а” бандида Соғлиқни сақлашнинг туберкулёз ва инфекцион муассасалари врачлари кўзда тутилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2012 йил 25 январдаги 2-Қ, 5-сон қарори билан тасдиқланган Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисида Йўриқноманинг 25-бандига асосан, Рўйхатларда кўзда тутилган врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқига, ишлаш даврида амал қилган қонунчиликка асосан, мазкур тоифадаги ишчиларга белгиланган иш вақтининг давомийлиги меъёрларига риоя этилган тақдирда эга бўлади.

3-сон Рўйхатнинг VIII қисми бўйича пенсиялар, агар врачлар ва бошқа тиббиёт ходимлари меҳнат фаолиятларининг бир қисми қишлоқ жойлардаги ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида, қолган қисми шаҳарда ўтган бўлса, камида 30 йил меҳнат стажига эга бўлганда тайинланади.



**М. ЗИЯДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари.**

## Ўқишни тиклаш муддати

**— Шахсий сабаб туфайли олий ўқув юртининг иккинчи босқичидан кейин ўқишни давом эттира олмагандим. Табиийки, талабалар сафидан чиқарилдим. Айтингчи, ўқишимни тиклашим мумкинми? Умуман, неча йилгача ўқишни тиклаш имконияти мавжуд?**

**С. ЙЎЛДОШЕВ.**
Наманган шаҳри

— **В**азирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш, одатда, ёзги таътил даврида, тегишли курс(семестр)да ўқув машғулотлари бошланишига қадар амалга оширилади.

Талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш қуйидагиларнинг:

олий таълим муассасалари; тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар; Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қошидаги Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш идоралараро комиссияси қарорлари асосида амалга оширилади.

Ўқишдан четлатилгандан кейин 5 йилдан ортиқ муддат (ҳарбий хизматда бўлганлик, уч ёшгача бўлган болаларни парвариш қилиш билан боғлиқ меҳнат таътили ҳамда соғлиқни қайта тиклаш вақтлари ушбу муддатга кирмайди) ўтган ҳолларда талабалар ўқишини қайта тиклаш Идоралараро комиссиянинг рухсати билан амалга оширилади.

**М. ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари.**

## Босқичма-босқич ўргатилади

— Ўғлим Мирободтуманидаги 147-мактабнинг иккинчи синфида ўқийди. Аммо унинг дарс жадвалига инглиз тили фани киритилмаган. Ваҳолонки, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда имзоланган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “2013/2014 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча ҳудудида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланади”, дея алоҳида қайд этиб қўйилган. Бу ҳақда мактаб директоридан сўрасак, у “республика Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув йили дастурида 2-синфларга инглиз тили дарси ўтиш белгиланмаган” деб айтди. Демак, фарзандим бу йил чет тилини ўрганмас экан-да?

**Ҳ. ТОШХЎЖАЕВ.**
Миробод тумани



*— **П**резидентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги 1875-сонли қарорига асосан 2013/2014 ўқув йилидан эътиборан чет тили ўқитилиши биринчи синфдан босқичма-босқич бошланди. 2014/2015 ўқув йилида эса 2-синфдан ва ҳ.к.*

*Жорий ўқув йилида, 2-3-4-синфлар учун чет тили тўгаракларда ўргатилмоқда.*

**Ф. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи.**

## Белгиланган тартибга биноан

***— Божхона соҳасида фаолият юритиш менинг болаликдаги орзуимдир. Ана шу мақсадимга етишиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга кирмоқчиман. Бунда абитуриентлар қандай мезонлар асосида қабул қилинади? Шу ҳақда қисқача маълумот берсангиз.***

**Б. БОБОЖОНОВ.**
Хатирчи тумани

— **О**лий ҳарбий божхона институтига ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маълумотига эга, “Божхона органларига қабул қилиш ва хизматни ўташ ҳақида”ги Низом талабларига жавоб берадиган, 17 ёшдан 23 ёшгача (қабул йилининг 31 декабрига қадар 17 ва 23 ёшга тўладиганлар) бўлган, бўйи 170 см.дан (қиз болалар 165 см.) кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

Ҳужжатларни қабул қилиш ҳар йили 1 февралдан 1 майга қадар давом этади. Абитуриентлар Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, “Тошкент — АЭРО” ИБК бошлиқларига институтга ҳужжатларини расмийлаштиришни сўраб билдирги ҳамда институт бошлиғи номига ариза билан мурожаат этадилар. Аризадан ташқари топшириладиган ҳужжатлар, ўқишга кириш тартиби ва у ердаги шарт-шароитлар ҳақида ҳар йили қабул даврида республикамиз оммавий ахборот воситаларида бериб бориладиган маълумотлар орқали кенгроқ танишиш мумкин. Шунингдек, абитуриентлар доимий рўйхатда турган манзили бўйича Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг Кадрлар хизматига мурожаат қилиб, бу борада батафсилроқ маълумот олсалар ҳам бўлади.

**Б. БЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бўлим бошлиғи.**

## Тегишли йўлланма олиш лозим

***— Юртимиз ҳудудида ов қилиш учун мўлжалланган махсус жойлар ташкил этилганми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.***

**Н. РАЖАБАЛИЕВ.**
Ургут тумани

— **Р**еспубликамизда ҳаваскор овчи ва балиқчилар уюшмаси ташкил этилган бўлиб, жойларда мазкур уюшманинг вилоят овчи ва балиқчилар уюшмаси фаолият юритади. Шунингдек, амалдаги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда 48 та ов ва балиқчилик хўжалиги ташкил қилинган. Уюшма ана шу хўжаликларни юритиш, ҳайвонлар саноғини олиб бориш, биотехник тадбирларни амалга ошириш, ов қилиш мавсумида ов учун йўлланмалар сотиш, ҳududнинг экологик ҳолатини яхшилаш, хўжаликлардаги мавжуд ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш, ҳайвонот оламини кўпайтириш ҳамда овчилар учун шароитлар яратиш билан шуғулланади. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах ва Тошкент вилоятлари ўрмон фонди ерларида 5 та ўрмон-ов хўжалиги фаолияти йўлга қўйилган.

Ов қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар юқорида қайд этилган хўжаликларда тегишли йўлланмалар асосида ов қилишлари мумкин.

**К. СОДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари.**



Яна саволларингиз борми, муҳтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!

*— Аҳоли омонатларини жалб қилиш, омонатчилар учун кафолатни кучайтириш борасида мамлакатимиз банклари томонидан тизимли ишлар йўлга қўйилган. Бироқ мижозлар билан нақд пулни ҳисоб-китоб қилишда бир оз кечиктиришлар учрамоқда. Умуман, омонатчи қанча миқдоргача нақд пул олиш ҳуқуқига эга?*

**Я. ЖАМШИДОВ.**
Дўстлик тумани

## Ҳаммаси шартномада ифодаланади

— **Ф**уқаролик кодексининг 762-моддасига асосан, банк омонати шартномаси омонатни талаб қилиниши биланоқ бериш (талаб қилингунча сақланадиган) ёки омонатни шартномада белгиланган муддат тугаганидан кейин қайтариш (муддатли омонат) шарти билан тузилади.

Банк омонати шартномасида қайтариб беришнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлари асосида омонатлар қўйиш ҳам назарда тутилиши мумкин. Банк омонати шартномаси бўйича, омонатнинг туридан қатъи назар, банк омонатчининг талаби билан омонат суммасини ёки унинг бир қисмини бериши шарт, юридик шахслар томонидан қайтариб беришнинг шартномада назарда тутилган бошқа шартлари асосида қўйилган омонатлар бундан мустасно.

Банк омонати шартномасининг фуқаро омонатни талаб қилиши биланоқ олиш ҳуқуқидан, муддатли ёки бошқа омонатни эса хабардор этишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати ўтганидан кейин олиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақидаги шарти ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Агар омонатчи муддатли ёки бошқа омонатни, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат бундан мустасно, муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш ниятида бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт.



**М. МЎМИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Пул муомаласи департаменти директори.**

## Зиммадаги масъулият

*— Якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, давлат рўйхатидан ўтдим ва банкдан уч фоизлик кредит оладиган бўлдим. Лекин ҳали иш бошламаган ҳамда кредит ажратилмаган бўлса-да, менга якка тадбиркорлик учун солиқ тўловини амалга оширишим кераклигини айтишди. Шу тўғрими?*

**Т. ОЛИМОВ.**
Сардоба тумани

— **С**олиқ кодексининг 311 ҳамда 375-моддаларига кўра, солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, якка тартибдаги тадбиркорлар суғурта бадалларини мажбурий тартибда ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳамда қатъий белгиланган солиқни тадбиркорлик фаолиятининг тури ва солиқ тўловчининг фаолиятни амалга ошириш жойига қараб белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

**О. РУСТАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 269. 140 318 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5